

## XX АСРНИНГ 50-ЙИЛЛАРИДА ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ТАРИХ КАФЕДРАЛАРИДА ТАДҚИҚОТ ИШИНИНГ ҲОЛАТИ

*Абдуллаев Ўқтамжон Шералиевич, Осиё технологиялар  
университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

## THE STATUS OF RESEARCH WORK IN HISTORY DEPARTMENTS OF PEDAGOGICAL UNIVERSITIES IN THE 1950S

*Abdullaev Uktamjon Sheralievich, Associate Professor, Asian University of  
Technologies, Doctor of Philosophy in History*

## СОСТОЯНИЕ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ РАБОТЫ НА ИСТОРИЧЕСКИХ ФАКУЛЬТЕТАХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗОВ В 1950-Е ГОДЫ

*Абдуллаев Уқтамжон Шералиевич, доцент Азиатского  
технологического университета, доктор философии по истории*



<https://orcid.org/0009-0000-0138-2192>  
e-mail:  
uktamabdullayev86@gmail.com



**Аннотация:** Мақолада 1950–1953 йилларда Ўзбекистонда педагогика олий ўқув юртларидаги тарих кафедраларида олиб борилган илмий фаолият таҳлил қилинади. Тадқиқот натижаларига кўра, ушбу даврда режалаштирилган 30та номзодлик диссертациясидан фақат учта диссертация ҳимоя қилинган. Илмий ишларнинг суст бўлишига асосий сабаб сифатида ўқитувчиларнинг ҳаддан ташқари ўқув юкламалари ва малакали илмий раҳбарлар етишмаслиги аниқланган. Мақолада тарих фанининг ривожланишини жадаллаштириш бўйича тавсиялар ҳам берилган.

**Калит сўзлар:** тарих кафедралари, педагогика институтлари, номзодлик диссертацияси, илмий тадқиқот, Ўзбекистон тарихи.

**Аннотация:** В статье анализируется научная деятельность кафедр истории педагогических вузов Узбекистана в 1950–1953 годах. По результатам исследования, из запланированных 30 кандидатских диссертаций было защищено лишь три. Основными причинами низкой активности научных исследований являлись чрезмерная учебная нагрузка преподавателей и нехватка квалифицированных научных руководителей. В статье даны рекомендации по ускорению развития исторической науки.

**Ключевые слова:** кафедры истории, педагогические институты, кандидатская диссертация, научные исследования, история Узбекистана.

**Annotation:** The article analyzes the scientific activities of history departments in pedagogical institutes of Uzbekistan during 1950–1953. According to the study, only three out of thirty planned candidate dissertations were defended. The main reasons for the weak progress in scientific research were the excessive teaching workload of lecturers and the lack of qualified scientific supervisors. The article also provides recommendations to enhance the development of historical studies.

**Keywords.** History departments, pedagogical institutes, candidate dissertation, scientific research, history of Uzbekistan.

**КИРИШ.** 1950–1953 йилларда Ўзбекистонда педагогика олий ўқув юртларида тарих фанини ривожлантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишида муайян

ишлар амалга оширилган бўлса-да, натижалар кутилган даражада бўлмади. Режалаштирилган 30та номзодлик диссертациясидан фақат учтаси ҳимоя қилингани ушбу жараёндаги тизимли

муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Илмий тадқиқотларнинг сустигига асосий сабаблардан бири ўқитувчиларнинг ўқув жараёнидаги ҳаддан ташқари юкламалари ва малакали илмий раҳбарларнинг етишмаслиги бўлиб, бу ҳолат тарих фанининг ривожланиш суръатларини пасайтирди. Мақолада ушбу даврда тарих кафедраларидаги илмий фаолиятнинг ҳолати таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** 1952 йилда республикадаги педагогика институтларида тарих кафедраларининг илмий фаолияти сезиларли даражада фаоллашган бўлиб, 29 нафар ўқитувчи илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланган. Шулардан 12 нафарининг иши йил якунигача тугалланиши режалаштирилган эди. Бироқ амалий натижалар бу режага тўлиқ мос келмади. Масалан, Тошкент педагогика институти тарих кафедрасида фақат учта мавзу яқунланган бўлиб, бу соҳадаги ишларнинг самарадорлиги паст эканлигини кўрсатади. Айрим педагоглар республикадан ташқаридаги нуфузли илмий муассасаларга юборилиб, тадқиқотларини давом эттирганлар. Хусусан, Фомченко ЎзССР Фанлар академияси Тарих институтида “Бухоро амирлигидаги рус посёлкаларининг инқилобдаги ўрни” мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб борган. Қирғизбоев эса Москва давлат университетига икки йилдан ортиқ муддатга юборилиб, “1918–1929 йилларда Совет-Афғонистон муносабатлари” мавзусида тадқиқот олиб борган. Шу билан бирга, аспирант Краснобаев XVIII асрнинг иккинчи чорагида Россияда ҳарбий назарий фикрнинг ижтимоий-иқтисодий асосларига бағишланган ишини тамомлаб, ҳимояга тақдим этган[1].

Фарғона педагогика институти тарих кафедрасида ҳам илмий изланишлар йўлга қўйилган бўлиб, кафедра мудир Гуртовенко XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда маҳаллий аҳоли орасида саноатлашган пролетариатнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид тадқиқот олиб борган. Умуман олганда, мазкур жараёнлар республиканинг тарих соҳасидаги илмий салоҳиятини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Бироқ натижалардан кўриниб турибдики, айрим педагогика институтларида илмий ишлар режадан орқада қолган, бу эса кадрлар малакасини ошириш, илмий изланишлар учун

моддий-техник базани кучайтириш ва илмий фаолиятни самарали ташкил этиш заруратини кўрсатади. Мазкур ҳолатлар, ўз навбатида, республикада тарих фанининг ривожланиши учун келгуси йилларда комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилган.

1953 йилда Ўзбекистондаги педагогика институтларининг тарих кафедраларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш жараёни етарли даражада фаол эмаслиги кузатилди. Республикадаги асосий йирик педагогика муассасалари – Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм педагогика институтлари ҳамда Тошкент кечки педагогика институтида тарих кафедраларида фаолият юритган асосий штатдаги ўқитувчилардан бор-йўғи 23 нафар илмий ходим тадқиқот ишларига жалб қилинган. Бу кўрсаткич мамлакат миқёсида тарих фанини ривожлантириш учун талаб этиладиган илмий салоҳиятдан анча паст эканлигини кўрсатади[2].

Мазкур ҳолатнинг сабабларидан бири илмий изланишларни ташкил этишда моддий-техник базанинг заифлиги ва малакали кадрлар етишмаслиги бўлиб, айрим институтларда илмий тадқиқот йўналишлари ҳали тўлиқ шаклланмаган эди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг асосий эътибори таълим жараёнига қаратилгани учун уларнинг илмий иш билан шуғулланиши чекланган ҳолда қолди. Бу эса республикада тарих соҳасида илмий тадқиқотларнинг ривожланиш суръатини пасайтириб, педагог кадрлар тайёрлаш жараёнида илмий-тадқиқот иши ва таълим жараёнининг узвийлигини таъминлашда қийинчиликларни келтириб чиқарди. Демак, 1953 йилдаги ҳолат кейинги йилларда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва тарих кафедралари фаолиятини кучайтириш заруратини яққол намоён этган.

1953 йилда республика педагогика институтлари тарих кафедраларида илмий-тадқиқот ишлари белгиланган режа асосида йўлга қўйилди. Хоразм давлат педагогика институтининг СССР тарихи кафедраси мудир Столяров номзодлик диссертацияси устида изланишлар олиб борди. Шу йили режага мувофиқ жами олти номзодлик диссертациясини яқунлаш назарда тутилган эди. Мазкур диссертациялар турли мавзуларни қамраб олган бўлиб, улар мамлакатнинг тарихий жараёнларини ҳар томонлама ёритишга қаратилган. Жумладан, Тошкент кечки педагогика институти ўқитувчиси

Н.Ғуломов томонидан Тошкентдаги Октябрь курулли кўзғолони бўйича тадқиқот олиб борилди. Бухоро педагогика институтидан Рахмонов XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги Россия-Бухоро муносабатларига бағишланган диссертация тайёрлади. Фарғона давлат педагогика институтидан Гуртовенко ишини давом эттирди. Тошкент давлат педагогика институти катта ўқитувчиси Бекмухамедов 1935–1937 йилларда Тошкент саноат корхоналарида стахановчилик ҳаракатининг бошланиши ҳақида тадқиқот олиб борди. Шунингдек, катта ўқитувчи Баиджанов Стольнинский реакцияси (1902–1912) даврида Ўзбекистонда миллий зулмнинг кучайиши мавзусида тадқиқотини амалга оширди. Бухоро давлат педагогика институти катта ўқитувчиси Гелах эса Қадимги Тошховуз тарихи бўйича иш олиб борди[3].

Белгиланган режага кўра, мазкур олти диссертациядан ташқари қолган мавзулар кейинги йилларда, яъни 1954–1955 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бу жараён республикада тарих соҳасида илмий тадқиқотларнинг изчил йўлга қўйилганидан далолат беради. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, илмий ишлар амалга оширилишида айрим қийинчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми моддий-техник базанинг етарли эмаслиги, малакали илмий раҳбарлар етишмаслиги ва ўқитувчиларнинг таълим жараёнига кўп вақт сарфлаши билан боғлиқ эди. Шу сабабли, илмий тадқиқотларнинг белгиланган муддатда якунланиши учун институтлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, илмий йўналишларни аниқ белгилаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлди.

1950–1953 йиллар давомида Ўзбекистонда тарих ихтисослиги бўйича жами 30 та номзодлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш режалаштирилган бўлса-да, амалий натижалар бу режага мутлақо мос келмади. Ушбу йиллар мобайнида фақат уч нафар тадқиқотчи Турғунов, Абдуллаев ва Нуритдинов (Тошкент давлат педагогика институти) ўз номзодлик диссертацияларини ҳимоя қила олдилар. Бу кўрсаткич республикада тарих фанини ривожлантириш жараёнида жиддий тўсиқлар ва

тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, тарих фанидан юқори малакали кадрлар тайёрлашда режалаштирилган ишлар амалда суғуртатда олиб борилгани аниқланди[4].

Илмий тадқиқот ишларининг паст даражада ташкил этилишида бир қатор омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Аввало, педагогика олий ўқув юртларидаги кўплаб ўқитувчиларнинг ўқув жараёнидаги юкломлари ҳаддан ташқари ортиқ бўлиб, уларнинг тадқиқот ишларига етарли вақт ажрата олмаслиги асосий сабаблардан бири сифатида қайд этилади. Шу билан бирга, малакали илмий раҳбарларнинг етишмаслиги ҳам катта муаммо бўлиб, бу ҳолат диссертация ишларини сифатли ва тизимли равишда ташкил этиш имкониятини чеклаб қўйди. Натижада, 1950–1953 йилларда тарих соҳасидаги илмий изланишлар режада белгиланган мақсадларга тўлиқ етиб бормаган ва республикада илмий кадрлар захирасини яратиш жараёни секин кечган. Бу эса кейинги йилларда илмий изланишлар самарадорлигини ошириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун комплекс ислохотларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди[5].

**ХУЛОСА.** 1950–1953 йилларда Ўзбекистонда педагогика институтлари тарих кафедраларида илмий тадқиқот ишлари суғуртат ривожланган бўлиб, режалаштирилган ишлар амалда тўлиқ бажарилмади. Фақат уч нафар тадқиқотчи ўз номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилгани тарих фанини ривожлантиришда тизимли муаммолар мавжудлигини тасдиқлайди. Мазкур ҳолат педагог кадрлар тайёрлаш жараёнида илмий фаолиятга етарлича эътибор қаратилмаганини кўрсатиб, кейинги йилларда илмий салоҳиятни ошириш ва малакали кадрлар тайёрлаш учун ислохотларни амалга ошириш зарурлигини яққол намоён этади.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 5167-иш, 45-варақ.
2. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 5167-иш, 45-варақ.
3. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 5167-иш, 46-варақ.
4. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 5167-иш, 46-варақ.
5. Ўз МА, 94-фонд, 5-рўйхат, 5167-иш, 46-варақ.